

МИНГЯПРОҚЛИ БЎЙМОДАРОНИНГ ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннамуратова Д.Р –
б.ф.н., доц., УрДУ,

Игамова О.К –
ўқитувчи, УрДУ,

Камолова Х.Х.-
УрДУ биология йўналиши 1- курс магистр,

Эгамбердиева С.А –
УрДУ биология йўналиши 2- курс талабаси.

Аннотация. Мингяпроқли бўймодаронинг дориворлик хусусиятлари ўрганилди. Бўймодарон шифобахш бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда витамин С, К, каротин, фитонцидлар, эфир мойлари, гликоалкалоид, ахиллеин, флавоноидлар, органик кислоталар, микроэлементлар шунингдек ошловчи аччиқ моддалар, эфир мойлари учрайди

Калит сўзлар: *Achillea millefolium*, Asteraceae, дамлама, суюқ экстракт, антиоксидант.

Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, халқимизнинг турмуш даражасининг юксалиши аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан фармацевтика соҳасида янги, самарали ижобий таъсирга эга фармакологик дори воситаларини яратишга қаратилган изланишлар муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда Республикамиз миқёсида фармацевтика саноатида ҳориждан импорт эвазига келтирилувчи фармакологик дори воситалари ўрнини маҳаллий ўсимлик хом ашё захиралари асосида яратилган препаратлар билан тўлдиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бўймодарон *Achillea millefolium* Астрадошлар (Мураккабгулдошлар) - Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб бўлиб, бўйи 20-50 (80) см [4,5,6; <http://www.planetarium.ru>, <http://www.florafinder.com>], баъзан 120 см гача етади. Кўп йиллик ўзига хос хушбўй ўт ўсимлик. Пояси бир ёки бир неча чизиқли [4; <http://www.wikipedia.org>] тик ўсувчи, юқори қисми шохланган, деярли шохланмайдиган ингичка-ингичка илдизлар ва ер ости новдалар чиқарадиган илдизпояси бор. Бу ўсимликнинг поялари тўғри ўсади, одатда тўпгули яқинидагина шохлайди, сал қиррали бўлади [1, 5; <http://www.google.com> Earth].

Илдизпояси шохланган бўлиб, ер ости новда хосил қилади. Бундай новдадан илдиз олди барглар ва поялар ўсиб чиқади .

Пояси бир нечта тик ўсувчи юқори қисми шохланган бўлиб, улар қалқонсимон гул тўпламлари билан тамомланади.

Ўсимликнинг барги патсимон қирқилган яшил рангли, устки томони тукли, улар поячада бандсиз кетма-кет жойлашган [4], барги уч марта патсимон ажралган тор ланцетсимон ёки чизиқсимон бўлакчаларга икки - уч марта патсимон қирқилган бўлиб, поя ва шохларида бандсиз (илдиз олди тўпбарглари бандли), кетма-кет ўрнашган,

барглари аксари наштарсимон тукли, поясининг юқоридагилари бир мунча майда, деярли бандсиз [4,5].

Поянинг учуда ясси тўпгуллар саватча кўринишида жойлашган бўлиб, ранглари кумушсимон-оқиш [4] ёки пушти бўлади. Саватчалар ўз навбатида қалқонсимон тўпгулни ташкил этади. Оқ ёки пушти рангли (тилсимон) гуллари поя ва шохлари учудаги қалқонсимон гул тўпламига жойлашган майда тухумсимон саватчаларга тўпланган.

Меваси –ясси тухумсимон, кулранг писта чўзинчоқ шаклда бўладиган кумушсимон – кулранг тусли ясси уруғли бўлади.

Бўймодарон шифобахш бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда витамин С, К, каротин, фитонцидлар, эфир мойлари, гликоалкалоид, ахиллеин, флавоноидлар, органик кислоталар, микроэлементлар шунингдек ошловчи аччиқ моддалар, эфир мойлари учрайди [3].

Бўймодароннинг ер устки қисми ва гуллари таркибида 0,06-0,8 % эфир мойи, 9-13 мг % каротин, 74,8 мг % витамин С ва К, флавоноидлар (апегинин, лютеолин ва уларнинг гликозидлари) ҳолин, аспарагин, смолалар бор. Эфир мойи 1-4 % гача хамазулен, 8-10 % цинеол, борнеол, 13 % гача борнилацетат, туйон кислоталар ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган, алкалоидлар (ахиллеин ва бетоницин) [5,6].

Маҳсулот таркибида 0,05% ахиллеин ва бетоницин алкалоидлари матрикарин изомери, миллефин лактони 0,31 % ҳолин бор. Эфир мойи таркибида камфора, кариофиллен, 10 % гача цинеол, чумоли, сирка ва валериан кислоталар бор.

Achillea millefolium L. тури фармацевтика саноатида таркибида физиологик фаол моддаларга бой бўлган истикболли хом ашё захираси сифатида белгиланади, мингяпрокли бўймодарон таркибидан ажратиб олинган антоцианидин ва сесквитерпен лактонлар – азуленлар тадқиқотларда шамоллашга қарши, аллергияга қарши ва антибактериал таъсир хусусиятларини намоён қилиши аниқланган [1,3,5].

Шунингдек, мингяпрокли бўймодарон таркибида мавжуд бўлган хамазулен моддаси организмда физиологик фаол моддаларнинг антиоксидант таъсир хусусиятини кучайтириши аниқланган [1].

Бўймодарондан ажратиб олинган антоцианидин қон томир деворларини мустаҳкамлаши, юрак – қон томир тизими касалликларини даволашда самарали ижобий таъсирга эгаллиги қайд қилинган [3].

Тиббиётда ер устки қисми ва гули ишлатилади.

Дори препаратлари – дамламаси, суяқ экстракти меъда яраси, гастритни даволаш, иштаҳа очиш ҳамда қон оқишини (ичак, бачадон, бурун, милк яралардан ва гемorroидал қон оқишларни) тўхтатувчи [5] яра бўлган ва жарохатланган жойларни, ошқозон ичак хасталикларини, зотилжам, бош оғриғини даволовчи, иштаҳа очувчи, сийдик ҳайдовчи омил сифатида ҳам ишлатилади. Дамламаси турли қон оқишларда (қон тупуриш, қон аралаш ич кетиш) ишлатилади.

Бўймодарон гули порошогини асалга қориб ейилса гижжани туширади [4,5].

Бурундан қон оққанда уни тўхтатиш учун янги йиғилган баргни яхшилаб эзиб бурунга қўйилади (бурунга тикилади) [5].

Ўрта Осиё халқ табobatiда бу ўтнинг гулларида тайёрланган қайнатмани гепатит, подагра, ревматизм, сил, астма касалликларида тавсия этилади, иситма туширади, Ибн Сино бу ўтдан тайёрланган қайнатмаларни нафас қисиши, астма, радикулит, сийдик-тош касалликларида кўп ишлатган. Ҳайзни ўрнига туширадиган восита тариқасида қўллаган [4].

Шунингдек, мингяпрокли бўймодарон таркибида мавжуд бўлган хамазулен моддаси организмда физиологик фаол моддаларнинг антиоксидант таъсир хусусиятини кучайтириши аниқланган [5].

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Аминова А.А. Тысячелистник азиатский – *Achillea asiatica* Serg. в Зауралье // Автореф. дисс. ... к.б.н. – Москва, 2003. – 23 с.
2. Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ. - Новосибирск, 197. – 154 с.
3. Мадрахимов А.С. Ўсимлик ва инсон саломатлиги. – Тошкент: Мехнат, 1987. – 189 б.
4. Набиев М., Шальнев В., Иброхимов Н. Шифобахш ньматлар. Тошкент: Мехнат, 1989. - 180 б.
5. Холматов Х.Х. Доривор ўсимликлар. - Тошкент: Ибн Сино, 1994. - 365 б.
6. Холматов Х.Х., Қосимов А.И., Русча-лотинча - ўзбекча доривор ўсимликлар луғати. – Тошкент: Ибн Сино, 1992. - 199 б.
7. <http://www.planetarium.ru>.
8. <http://www.florafinder.com>.
9. <http://www.wikipedia.org>.
10. [www.google](http://www.google.com) Earth.